



Халқ сўзи



Ўзбекистон —
Келажаги
бу юк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2006 йил 27 июнь, № 122 (3921)

Сешанба



ҚАШҚАДАРЁ НУРЧИЛАРИ

Ўзининг 2700 йиллик туйини нишонлаш тайёргарлигини кураётган Қашқадарё бутунга келиб узгача қиёфа касб этмоқда. Воҳода қад ростиётган замонавий маданий-маиший бинолар, спорт ва соғломлаштириш иншоотлари, ҳўл гул усталар томонидан қайта сайқал топаётган қадимий обидалар кўҳна ша-

ҳар кўрк-тароватини янада очмоқда. Шутгина эмас, Қашқадарё тобора саноатлашиб ҳам бормоқда. "Шўртангаз", "Шўртангазкимё" "Муборак нефтни қайта ишлаш" корхоналари ёки "Қаштекс", "Шаҳрсабзтекс", "Якка-ботекс" каби енгил саноат мажмуаларининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги

улуши ҳам салмоқли. Табиийки ушбу йирик ва бошқа корхоналарнинг бир маромда ишлаши учун электр қуввати узлуксизлиги талаб этилади. Бу борада "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси Қашқадарё юқори вольтан тармоқлари "Қарши 220/110/35/6 кв" подстанция жамоаси электр таъ-

миноти узиллишлари олдини олиш борасида жонбозлик курсатмоқда. Жумладан, ҳаракатнинг мунтазамлигини таъминлашда муҳим ҳисобланган "ВВН-110 киловатт" русумли электр қурilmасини юқори босимли ҳаво ёрдамида ўчириш ускунаси капитал таъмирдан чиқарилаётти.

СУРАТЛАРДА: корхона ҳаётидан лавҳалар.

Ш. ШАРОПОВ (Ў.А.)
олган суратлар.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Афғонистон Ислom Республикаси Парламенти Сенатининг Раиси Собгатулла Можаддедий раҳбарлигида делегация аъзолари 26 июнь кўни Ўзбекистон мусулмонлари идорасида бўлди.

МУЗЕЙЛАР БИЛАН ТАНИШУВ

Мулоқот чоғида Ўзбекистонда маданий-маърифий ва диний қадриятлар ривожига катта эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Меҳмонлар Тошкент ислом университетининг талаба ва ўқитувчилари билан ҳам учрашди. Мазкур олий ўқув даргоҳининг фаолияти билан танишди.

Делегация аъзолари Темурйиллар тарихи давлат музейида бўлди. Сохибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи тарихий ашёлар, нодир экспонатлар уларда катта таассурот қўлдириди.

Ўзбекистон халқи мустақиллик йилларида маънавий ва маърифий қадриятларни тиклаш, аждодлар меросини асраб-авайлаш ва тарғиб қилиш борасида катта ютуқларга эришаётганига гувоҳ бўлдик, — деди С.Можаддедий. — Айниқса, буюк алломаларнинг қадимий ўрганиш, уларнинг қадимжоларини обод қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳавас қилгўчлар. Буларнинг барчаси юртингизда олиб борилаётган одилона сиёсатнинг, тинчлик ва оқилоллик барқарорлигининг шарофатидир.

Меҳмонлар Ўзбекистон тарихи давлат музейини ҳам томоша қилдилар. Юртимизнинг бой тарихи, истиклол йилларида эришган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатларни ҳайрат ва ҳаяжон билан кўздан кечирдилар.

(Ў.А.)

Тошкентда давом этаётган МДХ мамлакатлари спортдаги ёш етакчиларнинг биринчи анжумани «Шахси ривожлантиришда спортнинг роли ва Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш учун кўчларни сафарбар қилишда ёшлар етакчиларининг иштирокига бағишланган. У республика Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Махсус Олимпиадаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия кўмитаси ҳамда БМТ Тараққиёт дастури, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари томонидан ташкил этилди. Конференцияда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Польша ва Россиядан ёш спортчилар, спорт ташкилотчилари ва соҳага иختисослашган журналистлар иштирок этмоқда.

Ўзбекистонда ўсиб келаётган авлоднинг жисмоний ва маънавий тарбияси ҳақида гамҳўрлик қилиш ҳақида Ислам Каримов юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири. Соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг энг муҳим омилларидан бири мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортга эътиборнинг кўчагани бўлди. Шу мақсадда ҳукуматнинг қатор қарорлари, умуммиллий дастурлар қабул қилиниди ва изчил амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ёшларни спорт машғулотларига жалб қилишнинг уч босқичли тизими яратилди. У «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақаларининг ўтказилишида ўзининг яқол ифодасини топмоқда. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолият кўрсатмоқда.

Оммавий хотин-қизлар спортини ривожлантиришда ҳам мамлакатимизнинг тахрибаси эътиборга лойиқ. Яқинда Қаршида II Республика хотин-қизлар спартакиадаси бўлиб ўтди. Унда, ҳудудий мусобақаларни қўшиб ҳисоблаганда, жами бир миллион 600 миң хотин-қиз иштирок этди. 8 Марти бағишланган Республика хотин-қизлар спорти ўн кўчилиги ҳам аънаънага айланди. Унда ўртача 1,1 миллион аёл ва қиз стол теннис, бадминтон, шахмат, шашка, бадий гимнастика, енгил атлетика мусобақалари

Мамлакатимизда имконияти чекланган болаларнинг «Мафтункор ранглар дунёси» мавзусида ўн биринчи халқаро кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари ва Тошкент шаҳри босқичлари ўтмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган мазкур танлов Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Халқ таълими ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, «Енг-раг» халқаро инсонпарварлик жамғармаси, Ўзбекистон ноғиронлар жамияти, Бадий академияси, «Sen yolg'iz

СПОРТНИНГ ТАРАҚҚИЁТДАГИ ЎРНИ

рида ўз маҳоратини намойиш этади. Хотин-қизлар кўмитаси кўмагида жойларда бадий гимнастика, синхрон сузиш, стол теннис каби спорт турлари бўйича ҳудудий федерациялар ташкил этилди. Эътиборли томони шундаки, сўнгги вақтда жисмоний тарбия ва спорт айнасида қишлоқда жадал ривожланмоқда. Қишлоқларда ўлаб спорт мажмуалари, стадионлар қурилди, махсус мактаблар барча зарур жиҳозлар билан таъминланди, спортнинг кўплаб турлари бўйича секциялар очилди.

Мамлакатимизда имконияти чекланган болалар ва ёшларни ҳар томонлама ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилмоқда. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиш уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш билан бирга, ижтимоий реабилитациясига, шахсининг шаклланишига ёрдам беради. Утган йили Ўзбекистонда Марказий Осиё мамлакатлари ва Россиянинг II Махсус Олимпия ўйинлари ўтказилди. Алоҳида эътиборга муҳтож болалар ва ёшлар учун 2001 йилдан бўён фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон Махсус Олим-

пиадаси билан биргаликда кўплаб бошқа турнирлар, Паролимпия ўйинлари доирасида мусобақалар ўтказилмоқда.

Конференцияда сўзга чиққан Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси президенти Р.Қурбонов, Ўзбекистон Махсус Олимпиадаси миллий директори, республика МОК «Хотин-қизлар ва спорт» комиссияси бош қотиби Г.Саидова мамлакатимиз раҳбарининг спортни ривожлантиришда доимий эътибори ўз самарасини бераётганини таъкидлади. Бугун Ўзбекистоннинг Давлат байроғи кўплаб нуфузли халқаро мусобақаларда кўтарилмоқда. 2004 йилда Афинада ўтказилган Олимпия ўйинлари натижаларига кўра, мамлакатимиз вакиллари спортда пешқадамлик қилаётган 35 давлат қаторига кирди.

Ўзбекистон вакиллари Осиё ўйинлари, спортнинг ҳар хил турлари бўйича жаҳон чемпионатларида салмоқли ғалабаларни қўлга киритмоқда. Спортчиларимизнинг олтин, кумуш ва бронза медаллари Ўзбекистон шарафини бутун дунёга тараннум этмоқда. Уларнинг спортдаги ютуқлари Ватанимизнинг халқаро майдонда-

ги нуфузини ошириб, мамлакатимизда нафақат спорт ривожлантириш, балки ёш авлод кучли, жасур, ўз қучига ишонган, келажаққа иштиқувчан бўлиб ўлгайиши учун кўп ишлар қилинаётганидан далолат бермоқда.

Спорт тадбирларида иш-

тирок этиш ҳуқуқи БМТнинг қатор конвенциялари, жумладан, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясига киритилган. Ўзбекистон бу Конвенцияни МДХда биринчилардан бўлиб ратификация қилган.

Спорт тўсиқларни енгиб, одамларни биллаштиришда муҳим омил бўлади, деб қайд этди анжуман иштирокчилари. У Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишга ёрдам бериши мумкин бўлган кўчидир. Масалан, спорт оналар ва болалар саломатлигининг яхшилишига, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятлари кенгайишига ўз ҳиссасини қўшмоқда. Спорт билан фаол шуғулланиш инсоннинг ақлий имкониятларини ошириб, янги билим ва таълим оlishида ёрдам беради. Спорт ОИТС ва гиёҳвандликка қарши курашда энг тинч ва таъсирли воситадир. У иқтисодий ва ижтимоий ўсишга ёрдам бериб, инсоният олдида дунёни яхшироқ, адолатлироқ ва хавфсизроқ қилиш истикболини яратди. Бу эса Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишда бош вазифадир. Мамлакатимизда спорт бутун жамият тараққиётига таъсир қилувчи катта қучга айланган-

нини вақт кўрсатиб турибди.

Оммавий спортни янада ривожлантириш учун етакчилар — кўнгилчиларни тарбиялаш катта аҳамиятга эга. Улар ўзлари спорт билан фаол шуғулланиб, бошқаларни унга жалб қилишга ҳисса қўшади. Бу ҳаракат кўпчилик мамлакатларда ривожланмоқда ва аҳолининг барча қатламлари учун турли мусобақаларни ташкил этиш билан шуғулланувчи давлат ҳамда жамоат ташкилотларининг ҳақиқий ёрдамчисига айланмоқда, деб таъкидлади анжуманда Европа — Евросиёнинг Махсус Олимпиадаси дастурларини ривожлантириш бўйича директор К.Круковский, Бухоро вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси мутахассиси Н.Латифхўжаева, Махсус Олимпиада қатнашчиси М.Алимбекова.

Конференция иштирокчилари жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича биргаликдаги ҳудудий лойиҳалар режасини ишлаб чиқарилар ва қабул қилдилар. Шу жумладан, спортда хотин-қизларни кўллаб-қувватлаш, алоҳида эътиборга эга одамлар имкониятларини ривожлантириш дастурлари қабул қилинади. Муҳокама қилинаётган мавзунлар орасида спорт ва таълим, спорт ёрдамида гиёҳвандлик ва ОИТСнинг тарқалишига қарши курашни кучайтириш билан боғлиқ масалалар ҳам бор.


Конференциянинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномова сўзга чиқди.

А.ИВАНОВА,
З.ТОШҲҲЖАЕВ,
Ў.А. мухбирлари.

лари қатнашади. Бу ерда болалар ўз иқтидорини намойиш этиши борасида маҳаллий мутахассисларнинг тиббий кўригидан ўтказилади. Зарур ҳолатда уларга муолажалар кўрсатилади. Бу йилги танловнинг яна бир ўзига хос жиҳати — ташкилотчилар томонидан голибларнинг келгусида таълим олиши ва хунар эгаллаши учун моддий ва маънавий кўмак кўрсатилади. Тадбир доирасида мамлакатимизнинг машҳур санъаткорлари, эстрада юлдузлари, ижрочи ёшлар иштирокида катта мусиқий дастур намойиш этилади.

Назозат УСМОНОВА,
Ў.А. мухбири.

Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасида



ҚўМИТА ВА ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШЛАРИ

Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари кўмитаси ҳамда республика «Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамкорликда Хомийлар ва шифокорлар йили мавзусининг оммавий ахборот воситаларида ёритилишига бағишланган давра суҳбати ўтказди. Уни фракция раиси Д. Тошмухаммедова олиб борди.

Анжуманда мамлакатимизда чоп этиладиган газета ва журналларда ушбу мавзунинг ёритилиши, журналистларнинг бу борадаги фаоллиги ҳамда сиёсий партиялар газеталарида Хомийлар ва шифокорлар йили дастури қандай акс этаётганлиги ҳақида маърузалар тингланди.

Шунингдек, йиғилишда соғлиқни сақлаш тизими бўйича хомийларнинг ёрдами, саховатпеша инсонлар бу соҳага беғараз кўмаклашадиганликлари хусусида гапирилиб, далил ва мисоллар келтирилди. Оммавий ахборот воситалари ходимлари, турли соҳа мутахассислари бугунги кунда хомийлик қай тарзда амалга оширилаётганлиги ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Давра суҳбатида йилнинг иккинчи ярмида Хомийлар ва шифокорлар йили дастурига мувофиқ қилинаётган ишларнинг матбуотда ёритилиши бўйича тавсиялар берилди.

Шу кўни кўйи палатада «Адолат» СДП фракцияси

ташаббуси билан Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўнига бағишланган «Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг матбуот органи: муаммо ва ечимлар» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Уни фракция раиси Д. Тошмухаммедова олиб борди.

Анжуманда кўзланган мақсад — «Адолат» ижтимоий-сиёсий газетасининг жамиятда тугган ўрни ва таъсир доирасини такомиллаштиришдир. Давра суҳбати иштирокчилари мамлакатимизда мўлғил матбуот ривожига, унинг том маънода эркин фикр минбарига айланишига катта эътибор қаратиши лозимлиги юзасидан фикрлар билдиришди.

Шу билан бирга, тадбирда ҳозир жаҳонда кечяётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, жумладан, мамлакатлар барқарорлигини издан чиқариш йўлида ахборот хуружи авж олаётгани юртимиз оммавий ахборот воситалари ходимларидан янада хушёр, огоҳ ва фаол бўлишни тақозо этаётганига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Музокаралар жараёнида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни ёритишда оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада эркинлаштириш, уларнинг мустақиллигини тўлароқ таъминлаш ҳамда журналистларнинг касб маҳоратини муттасил ва замон талаблари даражасида ошириб бориш юзасидан аниқ таклифлар билдирилди.

Салим ДОНИЁРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Темурга бой ун — саломатлик зарови

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари кўни муносабати билан Пойтахтимиздаги «Раддисон Сае» меҳмонхонасида Унни бойитиш бўйича миллий дастурнинг журналистика, телевидение ва радиозахироти соҳасидаги биринчи кўриктанловининг голибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Танловдан кўзланган асосий мақсад темир танқислиги анемиясининг олдини олиш масалаларини ёритишга оммавий ахборот воситалари вакиллари жалб этиш, шунингдек, бойитилган ун ва нон маҳсулотларига бўлган

талабни оширишдан иборат эди. Мазкур кўрик-танловда иштирок этиш учун республика ва маҳаллий ОАВ вакиллари 130дан ортиқ ишлари тақдим этилганди. Барча ишлар маҳаллий мутахассислардан иборат ҳайъат аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва учта йўналиш бўйича голиблар аниқланди.

Голибларга қимматбаҳо совғалар ҳамда сертификатлар топширилди.

Юлдуз РИЗАЕВА.

«Халқ сўзи»га жавоб берадилар

Газетамизнинг шу йил 18 май сонидан чоп этилган «Китоб дўқони қайдидир?» сарлавҳали танқидий чиқишда Косонсой шаҳри-ва туман марказларида китоб дўқонлари камлиги зарур адаб-ишларни топишда бирмунча қийинчиликлар туғдираётгани ҳақида фикр билдирилган эди. Яқинда мазкур мақола юзасидан Косонсой тумани ҳокимининг уринбосари М.АПАКОВ имзоси билан тахририятта расмий жавоб келди. Унда шундай дейилади:

Танқид кор қилди

«Туман ҳокимлиги томонидан мақолада билдирилган танқидий фикрдан келиб чиқиб ҳозирги кунда тумандаги савдо ташкилотлари билан биргаликда китоб савдоига иқтисослашган алоҳида дўқон ташкил этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар қўрилмоқда. Туман аҳолиси ўртасида маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш, уларга намунали кутубхона жиҳатини ташкил этиш бўлиб

қам тағйишли ишлар олиб борилаётган. Бундан ташқари бугунги кунда тумандаги савдо ташкилотларидан матбуот хисоладорлик жамияти, «Истиқлол» савдо корхонаси ҳамда «Табасум» супермаркетидан китоб савдоси билан шуғулланувчи алоҳида бўлимлар ва хусусий тадбиркор Қ.Сиддиқов томонидан ташкил этилган махсус дўқон фаолият олиб борилаётган.

Ўтган ҳафтага назар

ЖАҲОН ЭЪТИРОФ ЭТАЁТГАН СИЁСАТ

Июнь ойининг биринчи қисми Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг юбилей саммити ва унда олиб борилган амалий муҳокамалар, аниқ натижалар билан ёдда қолган бўлса, ўтган ҳафтада бир қатор учрашувлар бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари сафар олдидан журналистларга интервью берар экан, Ўзбекистон ушбу ҳамкорликдан биринчи навбатда иқтисодий манфаат кўзлаши лозимлигини қайд этиб ўтган эди.

Ўтган ҳафта мамлакатимизнинг халқроқ муносабатларида муҳим ўрин тутган икки делегациянинг пойтахтимизга сафари билан аяқланди. Улардан бири Кувайт Араб Иқтисодий тараққиёт жамғармаси бош директори Абдулвахоб Аҳмад ал-Бадернинг ташрифи бўлса, иккинчиси Афғонистон парламент делегациясининг Тошкентга келишидир.

22 июнь кунини Президент Ислам Каримов Оқсарой қароргоҳида куйалтилик меҳмонни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан Кувайт Араб Иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасидаги кенг алоқаларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама этилди.

Шунингдек, жамғарма бош директори Абдулвахоб Аҳмад ал-Бадер раҳбарлигидаги делегация мамлакатимизнинг қатор вазирлиги ва идораларида бўлиб, музокара билан таъминлашга сарфланади.

Кувайт Араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси — 1961 йил 31 декабрда ташкил топган. Мустақил молия муассасаси бўлиб, асосий мақсади ривожланган давлатларга имтиёзли кредитлар бериш орқали уларга ёрдам кўрсатиши. Шу кунга қадар Осиё, Африка, Европа ва Латин Америкасидаги 96 мамлакатда ўтказилган лойиҳаларда фаол қатнашган.

Ўзбекистон билан Кувайт Араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасидаги алоқалар 1997 йилда йўлга қўйилган.

Ўзбекистон билан Кувайт Араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасидаги алоқалар 1997 йилда йўлга қўйилган.

Йилда имзоланишида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор" деди ал-Бадер.

Худди шу кун юртимизга ташриф буюрган Афғонистон делегацияси раҳбари, мамлакат Парламенти Сенатининг Раиси Сабгатулла Ҳўжадеддий Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Илгизар Собиров билан учрашди. Сўхбат чоғида ўзаро алоқалар изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди, делегация аъзолари Ўзбекистондаги янги парламент тизими билан ақидан танишдилар.

Хулоса қилиб айтганда, июнь ойи мамлакатимизнинг халқроқ алоқаларидоги фаоллик кескин ортгани билан ёдда қолмоқда.

Президентлар даражасидаги мазкур саммитлар, учрашув ва музокара, қатор делегацияларнинг мамлакатимизга ташрифи — буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг мамлакатимиздаги юксалиб бораётган нуфузидан далолатдир.

Ботиржон ҒОҒУРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Демократлаштиришнинг муҳим омили

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси раҳбари Кенгаши Иброҳим Норматовнинг "Туртинчи ҳокимият — жамиятни демократлаштиришнинг муҳим омили" мавзусидаги давра сўхбати ташкил этилди. Унда партия аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, "Сисёсат" ахборот таҳлил маркази экспертлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Давра сўхбати эркин баҳс-мунозаралар тарзида ўтди. Журналистлар олдига турган турли муаммолар депутатлар билан биргаликда муҳокама қилинди. Амалдаги

конунчиликни такомиллаштириш, ОАВ тармоқларида сиёсий жараёнларни, аynиқса, мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ислохотларни таъсирчан ва самарали ёритиш юзасидан турли тақлифлар билдирилди.

Ийгилиш сўнггида 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан бир гуруҳ журналистларга партия номидан қимматбахш эсдалик совғалари топширилди.

Юнус БЎРОНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Солиқчилар ва журналистлар мулоқоти

Кеча Давлат солиқ қўмитасида республикамиз солиқ сисёсатининг асосий йўналишлари, соҳадаги бу йилги ўзгариш ва янгиликлар ҳамда солиқ тизими ҳаётининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Журналистлар Давлат солиқ қўмитаси масъул ходимлари билан мулоқот чоғи

Президентимиз солиққа оид фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш борасида ушбу соҳа вакиллари қўраётган чора-тадбирлар, тизимдаги ислохотларнинг бориши, солиқ тўловчилар учун яратилган имтиёз ва имкониятлар билан танишдилар.

Анжуман давомида жорий йилда берилган имтиёزلарнинг кичик бизнес ва фермер хўжалиқларини

Гуёҳвандлик — умр заволи



Тошкент вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан Олмалик шаҳрининг марказий стадионида Халқроқ гуёҳвандликка қарши кураш кунини муносабати билан тадбир бўлиб ўтди.

Унда вилоятдаги барча шаҳар ва туман ҳокимликларининг вакиллари, талабалар, умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари, тиббиёт муассасалари ходимлари иштирок этишди.

27 июнь — Бутунжаҳон гуёҳвандликка қарши кураш кунини деб эълон қилинган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳозир дунёда 500 миллион киши гуёҳвандликка чалинган бўлиб, бу жаҳондаги умумий аҳолининг 8 фоизини ташкил этади. Афсуски,

ти олиб чиқилиб, ёндириб юборилди. Кейин тиббиёт ходимлари ва ёшлар сўзга чиқишиб, бу иллатнинг зарари тўғрисида гапирди. Улар соғлом турмуш тарзи шаклланиши, спортга эътибор берилган жойда гуёҳвандликка йўл йўқлигини таъкидлашди.

Тадбирда спорт мусобақаларининг голиблари ва совриндорлари томошакорларга турли хил қизқарилар ўйинлар кўрсатишди. Хушовоз хонандалар ва аскиябоз гуруҳларнинг чиқишлари эса тадбир катнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Ҳосил КАРИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 27 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хоризжий валюталарнинг сўзга нисбатан қийматини белгилади: %

1 Австралия доллари	895,31	1 Исландия кронаси	16,96	1 Швейцария франки	981,72
1 Англия фунт стерлинги	2227,06	1 Канада доллари	1091,83	1 ЕВРО	1532,59
1 Дания кронаси	205,64	1 Ҳангوى юани	152,68	10 Жапония Корея юани	12,78
1 БАА дирҳами	333,44	1 Малайзия ринггити	331,69	10 Япония иенаси	105,20
1 АКШ доллари	1224,60	1 Польша злотивиси	374,59	1 Россия рубли	45,27
1 Миср фунти	212,88	1 СДР	1799,06	1 Украина гривнаси	242,50
		1 Туркия лираси	716,35		

% Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини

Бутун дунёда бўлганидек, мамлакатимизда ҳам глобаллашув жараёни шиддатли сураятлар билан кечмоқда. Бу жараёнларни, табиийки, оммавий ахборот воситаларининг фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мустақил даврда таъйин ва буйруқ таъсирида овоз сўз айтишга қийналган матбуотимиз мустақиллик туғайли дунёга чиқмоқда. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳақ сўз майдонига, адолат минбарига айлиниб бормоқда. Байрам арафасида бир неча ҳаммасларимиз билан қилган сўхбатимиз шу ҳақда бўлди.

ОЗОД СЎЗ ОҲАНГЛАРИ

Абдусамат Йўлдошев, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист:
— Дўпини кўлга олиб, бундай ўйлаб кўрсан, "инга билан кудук қазिश"га киришганимга қирқ йилдан ошди. "Меҳнатнинг нони — ширин" дейишди. Журналист топиб оёғатган нон янаям ширин десам, муболага бўлмас. Зеро, журналистнинг меҳнати оғиргина эмас, ўта жавобгарли ҳам.

ёритсанг бас, биров мушунгини "пиши" демайди, аксинча, муҳофаза қилади. Мустақиллик туғайли эришилган бундай шароит, қулайлик ва имтиёزلарни кўриб, баҳраманд бўлиб юрганамиз учун ўтмишни ҳам бот-бот эслаб туришимиз табиий ҳол, албатта. Беихтиёр аввалги шароит билан таққослаймиз. Очиғи, у пайларда иш тонгортагача давом этар, кўпинча, қўларимиз, хатто, кийимларимиз ҳам қора-қура ҳолда, чехларда тунаб қолардик.

"Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор" деганларидек, ижод аҳлининг бағрига мустақиллик шамоли теккан шу кунларга етганимизга шукр қилиб, ёшлардан қолишмасликка уриниб, баҳоли қудрат қалам тебратиб юришимиз.

Олимжон ҲАРИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Бугунги кунда мамлакатни демократик таъминлаш асосида янгилаш, модернизациялаш, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишда, шунингдек, одамлар онгида демократик қадриятларни шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг, аynиқса, жуда катта аўдиторияга эга бўлган телевидение ва радионинг аҳамияти бениҳоя катта. Шу боис мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим йўналишларидан бири ОАВ фа-

олиятини тубдан яхшилаш, уларнинг техник ҳолатини жаҳон стандартлари талаблари асосида ривожлантиришга қаратилган. Таъкидлаш жоизки, Ватанимиз мустақиллигининг ўн беш йилда миллий журналистика соҳасида олиб борилган ислохотлар кўламини ОАВ тизимини ислоҳ этишнинг қонуний асосларини яратиб, матбуотни эркинлаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини, талабларини, қонуниятларини ўрганиш, умуминсоний ва миллий қадриятлар, манфаатлар ўтишга эришиш, соҳа тизимидоги ислохотларни изчил ўтказиш, ОАВ тизимининг бозор муносабатлари шароитида эмин-эркин фаолият юритишга тайёрлаш каби йўналишларда ўз аксини топди.

Мамлакатимизда барча соҳалардаги мавжуд муносабатларни тартибга солишчи қонуналар яратилган ва яратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида баён қилинган қонун ва ҳуқуқлардан келиб чиқиб, 2005 йил 10 мартдаги қарори билан тасдиқланган жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастурини бажариш ҳамда республикамизда аҳолисини тезкор ва холис ахборотга бўлган эҳтиёжини тўлақон-

ли қондириш мақсадида "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилди. Шунингдек, "Ахборот олиш эркинлиги ва қаролатлари тўғрисида"ги, "Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Ахборот эркинлиги принциплари ва қаролатлари тўғрисида"ги қонунарга қўшимча ва ўзгаришлар киритишни, "Давлат ҳокимияти органлари фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш тартиби тўғрисида", "Оммавий коммуникациялар соҳасидаги иқтисодий муносабатлар асослари тўғрисида", "Телерадио кўрсатувлари ва эшиттиришлари тўғрисида", "Жамоат телевидениеси тўғрисида"ги янги қонун лойиҳасини қабул қилиш устида қизғин иш олиб бормоқда.

Хуллас, мамлакатимизда матбуот ва оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, соҳанинг ҳуқуқий-сиёсий жиҳатларини мукамаллаштириш борасида етарлича иш олиб борилаётди. Насиб этса, ўзбек журналистикаси ҳам яқин йилларда дунё матбуотининг энг олдинги сафарига чиқиб олишига шубҳа йўқ.

Гулбахор ДАВИРОВА, "Ўзбекистон" телерадиоканали ахборот-информацион таҳлилий эшиттиришлар муҳаррири:

Билингни, сиз бахтлисиз...

Кишининг зеб-зийнати сўздир, кишининг зеб-зийнати суккутдир, қачонки ҳар иккиси ҳам ўз ўрнида ишлатилса, деган экан бир доғишман. Ушбу ҳикматни Ўзбекистон телерадиоканали "Оддий ҳақиқатлар" кўрсатуви бошловчиси Гулмира Мусаёновага нисбатан бемалол ишлатиш мумкин.

Бир қараганда унчалик кўзга ташланмайдиган ҳаёт ҳодисотлари замирида катта воқеалар мавжудлиги кўпчилигимиз эътибор қилмаймиз. Улар арзимасдай туюлади, назаримизда.

Аслида-чи? Аслида, катта-кичиклигидан қатъи назар, ҳар бир нарсанинг ҳаётда ўз ўрни ва вазифаси бор. Гулмиранинг кўрсатувини томоша қилар эканмиз, бунга яна бир қарра амин бўламиз. Қолаверса, бошловчининг сўзлаш, сўзни нишонга уриш, айтилаётган фикрни томошабинга етказиш, сўхбатдошини эътибор ила тинглаб бориш, суккут асосида маъно аниглаш каби усуллари борки, бу фаизатлар барча журналистларга ҳам насиб этавермайди. Хаттоки унинг кўзлари ҳам "сўзлайди". Шунинг учун ҳам унинг ўз муҳлисари бор. Улар "Оддий ҳақиқатлар" кўрсатувини ҳамisha интиқил билан кўтадилар. Ундан кўп нарсга ўрганадилар, кўп нарсга оладилар. Бошловчининг ўзи эса битта кўрсатувини тайёрлагуна кўзбўйналарда соатлаб китоб титкилайди, тарихий манбаларни кўриб чиқади, кўпни кўрган кечсалар сўхбатини олади. Отаси, ёзувчи Фарход Мусаёновни ҳам тинч қўймайди.

Кимдир сизни соғинса, хузурингизга ошқиса, билингни, сиз бахтлисиз. Одамлар учун керакки. Ҳаммасимиз Гулмира Мусаёнова ҳам ана шундайлар тоғасидан. Биз Гулмирани қасб байрами билан табриқлаб, унга ҳаётда ва ижода муваффақиятлар ёр бўлишини истаб қоламиз.

Темур ҚУРБОНОВ олган сурат.

ҚАДРГА МУНОСИБ

Бугун биз, журналистларнинг қасб байрамимиз. Аслида вилоят ва туманларда байрам шодоналари бир неча кун олдин бошланади. Мамлакатимизда бундай ағна мустақиллик йилларида шаклланди ва тобора илдиш отиб борапти. Оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини кенг жамоатчилик томонидан нишонланётганлиги боиси шундан. Юртимизда матбуотга эътибор ортиб бораётганлиги журналист меҳнати қадр топаётганини кўрсатади. Бу байрам айни пайтда ОАВ ходимларининг бир-бирларига ҳисоб бериш палласи ҳамдир.

Биз бу ҳолатни кечаги дамда олиш кунини Фаргона шаҳрида бўлиб ўтган байрам тантаналарида кўрдик. Вилоят журналистлари ўзларининг қасб байрамларини кўтаринки кайфиятда, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида, матбуот, телевидение ва радио ижтимоий-ахборот воситалари билан бирга нишонлашди. Дастлаб таниқли журналистлардан катта бир гуруҳнинг вилоят ҳокими Шермат Нурматов қабул қилди. Сўнгра шаҳардаги «Тантана» қаҳвахонасида асосий тантаналар бошланди.

Албатта, ташаббус ва таъкилотчилик бор жойда ҳар қандай тадбир-маросим қўнгилдагидек ўтади.

Фарғонада шундай бўлди. Тадбирнинг бутун мазмун-моҳияти журналист меҳнатининг қадрига қаратилди. Эътиборли жиҳати шундаки, аввало, ўтганларнинг — Фарғона вилоятида яшаб ва меҳнат қилиб, бутун мамлакат журналистикаси раванкига салмоқли хисса қўшган ижодкорларнинг қадри ва қолдирган мерослари ҳақида дил сўзлари айтилди. Вилоят журналистика ташкилотининг ташаббуси билан соҳада таъриба мактаблари яратган Йўлдош Сулаймон, Абдулла Мирзаев, Мамадали Муродов номларини хотирлаб, марҳумлар ижодини давом эттираётган издошлар меҳнати муносиб таъдирланди. Умуман, Фарғонада мала-

кали журналистлар тайёрлашда катта таъриба мактаби яратилган. Бугунги кунда бу мактабнинг ҳаёт ва ижод синовидан ўтган ўз пешқадимлари бор. Уларнинг номларини бутун мамлакат танийди. Биз байрам тантанасида ўзларининг қадр топан меҳнатларидан фахр-ифтихор туйғусига тўлган Охунжон Ҳакимов, Алишер Ибодинов, Хадича Қаримова, Дониёр Эргашев, Зуфаржон Султонов, Бахтиёржон Тошпулатов каби кўплаб ҳаммасларимизни урнатди.

Тўғриси, ҳаммасларимиз тадбирини қузатиб бир хулосага келдик: фарғоналик ижодкорларнинг сафарини ҳар қачондан ҳам жинс, мақсадлари муштарак, жа-

ФАОЛ ИЖОДКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан самарали фаолият кўрсатаётган хотин-қиз журналистлардан бир гуруҳи Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасига тақлиф этилди.


Юртимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги маънавий оқсалири шиддат ва жамият қурилишидаги иштирокини фаоллаштириш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, аёлларнинг қасбий, жисмоний, маънавий ва интелектуал салоҳиятини юксалтириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Буларнинг бари мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари томонидан мунтазам ёритилаётди. Бироқ бугунги глобаллашув, ахборот хуржлари кўнраган жараён журналистлардан янада фаолроқ бўлишни, қаламга олинаётган мавзуга тегаран кўз, юксак маъсулият билан ёндашувини талаб этмоқда. Зеро, юртимиз аёлларининг мақсад ва муддаоларини, орзу-интилошларини, уларни ўйлантираётган муаммоларни матбуот, телерадиоканалларда кенгроқ акс эттириш муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда оммавий ахборот воситаларида кўп йиллар фаолият кўрсатган бир гуруҳ фахрий журналистларга, шунингдек, матбаа ходимлари ҳамда ёш ижодкорларга Республика Хотин-қизлар қўмитасининг фахрий ёрлиги ва эсдалик совғалари топширилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Нозокият УСМОНОВА,
УА мухбири.



Спорт



Германия яшил майдонларида давом этаётган 18-жаҳон чемпионатининг ўн еттинчи кун ортада қолди. Гуруҳ баҳсларида голиб чиққан ўн олти жамоа 4/1 финал йўлланмасини кўлга киритиш учун мусобақаларни давом эттирмоқда.

Жаҳон чемпионати ҳаяжонлари



Чемпионат ўйинлари ҳақида тўхталадиган бўлсақ, қайсида маънода мутахассислар башорати ўзини оқламоқда. Аввал кутилганидек, гуруҳларда кучли деб ҳисобланган Германия, Швеция, Эквадор, Англия, Аргентина, Мексика, Португалия, Голландия, Италия, Австралия, Бразилия, Гана, Франция, Испания, Украина ва Швейцария терма жамоалари кейинги босқичга йўл олишди.

Агар эътибор берадиган бўлсақ, кейинги босқич ўйинларига Европа қитъасидан 10 та, Жанубий Америка қитъасидан 3 та, Шимолий Америка ва Африка қитъаларидан 1 тадан жамоа йўл олди. Яқинда Осиё футбол конфедерациясига аъзо


бўлган Австралия футболчилари ҳам кейинги босқичда қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритишди.

Плей-офф баҳсларини Германия — Швеция футболчилари бошлаб беришди. Унда рақибдан анча кучли бўлган Юрген Клинсмен шогирдлари 2:0 ҳисобида зафар кучиб, биринчи чорак финал йўлланмасига эга бўлдилар. Португалия футболчилари Манише томонидан киритилган ягона тўп (1:0) ҳисобида Голландия футболчиларини мағлуб этишди. Шунинг таъкидлаш лозимики, ушбу ўйин ўта асабий тарзда кечди. Россиялик ҳакам Валентин Ивановнинг ўйинчиларни 16 марта сарик карточка билан жазолагани ҳам бунини исботлайди (тўрт марта сарик карточкалар қизилга айлантирилди).

Англия — Эквадор учрашуви тақдирини ҳам Дэвид Бекхэмнинг жаримадан киритган ягона тўпи (1:0) ҳал қилди. Мексика терма жамоаси ус-

тидан 2:1 ҳисобида кийинчилик билан муваффақиятга эришган Аргентина футболчилари ҳам чорак финал йўлланмасини кўлга киритишди. Италия — Австралия, Бразилия — Гана, Франция — Испания, Украина — Швейцария учрашувларидан сўнг плей-офф баҳслари ниҳоясига етади.

Демак, ҳозиргача маълум бўлган натижаларга



кўра, чорак финалда Германия — Аргентина, Португалия — Англия терма жамоалари майдонга ташадилар.

Майдонда журналистлар

Оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида мини-футбол ва стол тенниси бўйича мусобақалар ўтказиш анъанасига айланган.

27 июнь — матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан яна бир турнирда асос солинди. Пневматик милтиқдан ўқ отиш бўйича журналистлар ўртасида очик биринчилик бўлиб ўтди.

Ўзбекистон мудофасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташиқлотининг Республика техник ва амалий спорт турлари маркази ташаббуси билан ўтказилган мусобақада марказий нашрлар, телевидение ва радиода ижод қилаётган элик нафардан ортик журналист ўз омадини синаб кўрди. Келгусида мусобақани анъанавий тарзда ўтказиб туришга келишиб олинди.

Тадбир сўнггида голиблар ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Зиёдулло ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«АСАКА»

ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан мамлакатимиздаги барча журналистларни, матбаа ва нашриёт соҳаси фидойиларини самимий муборакбод этади.

Сиз азизларни касб байрамингиз билан қутлар эканмиз, машаққатли, айни дамда шарафли ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

«Фильм S»нинг илк сони

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Республика кинофонди давлат корхонаси, «Samandar cinema» масъулияти чекланган жамияти ҳаммуассислигида «Фильм S» бадий безакли ахборот-тижорат журнали қайта ташкил этилди. Шу муносабат билан Киночилар ўйда журнал тақдирини ўтказилди.

Тўрт йиллик танаффусдан сўнг кино ихлосмандлари эътиборига яна ҳавола эти-

лаётган маъмур журнал республикамиздаги ягона кино наشري бўлиб, ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Унинг юртимиз ҳамда хориж давлатларига тарқатилиши режалаштирилган. 32 бетдан иборат журнал саҳифаларида кино санъати оламида рўй бераётган ўзгаришлар, хориж билан ҳамкорлик алоқалари, тасвирга туширилаётган янги фильмлар ҳақида хабар ва мақо-

лалар бериб борилади. — Журнал аввалги нардан фарқли ўлароқ хинд кино оламидаги янгиликлар билан чекланиб қолмай, миллий кино санъатимизда эришилаётган ютуқ ва камчиликлар, янгиликлар ҳақида сўзлайди, — дейди журнал бош муҳаррири Мухтабар Каримова. Энг муҳими, ўзбек кино санъатига ҳисса қўшган буюк даргаларимизни нафақат юртимиз,

балки хорижликларга ҳам таништиришга хизмат қилади.

«Фильм S»нинг илк сониде режиссёрларимиз томонидан суратга олинган, халқаро миқёсда эътирофга сазовор бўлган «Ватан», «Эркак», «Йул бўлсин» каби фильмлар, шунингдек Света Муроджўваева, Хилол Насимов, Жасур Исҳоқовдек жонқуяр ижодкорлар ҳақида маълумотлар, эҳсонлиқ сўхбатлар чоп этилган.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.



«МЕДИОФАРМ»

ФАРМАЦЕВТИКА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ

Сизларга соғлиқ-саломатлик тилаймиз!

Истагимиз ҳеч қачон бизнинг дори-дармонларимизга муҳтожлик сезманг.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНИНГиз КАЛИТИДИР!

МЕХАНИЧЕСКИЕ И ЭЛЕКТРОИНСТРУМЕНТЫ

В ШИРОКОМ АССОРТИМЕНТЕ

под заказ

ДИЗЕЛЬГЕНЕРАТОРЫ

Тел.: (998-90)186-26-40

Тел.: (998-71) 115-28-71; (998-90) 187-60-86. E-mail: asm-uz@yandex.ru

РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютер AVTODOM PLUS

GAZ-31105, «ВОЛГА»

GAZ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли

GAZ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

GAZ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн, 2 ўриндиқли

GAZ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли

GAZ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

GAZ-3307 Автовакуатор

GAZ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

GAZ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шахрисабз» к., 16-«А» уй.

Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.

Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42.

E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн., 1,5-4,5 тн. юк кўтарардиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАКСУС ТЕХНИКАЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЕРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь», ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокураторлар, автоустахоналар, бургулаш (буrowые), чикинди ташийдиган, мобил билбордлар, автовакуаторлар, АВТОЦИСТЕРНАЛАР. сўт ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

ШИНА

Юк машиналари учун

Тел.: 152-73-81, 151-20-90, 151-20-33.

Сайт: www.uzkam.com таклиф этади

Товар сертифициланган

Манзил: Тошкент ш., Братислава к., 11 (мўлжал — Бобур боғи)

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси раҳбарияти ҳамда тармоқ касба уюшмаси Марказий кенгаши компания молия хизматининг собиқ бошлиғи, фахрий темирйўлчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи

Сергей Александрович АРТЕМЬЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик изҳор этади.

«Ўзэкспомарказ» МКК ОАЖ жамоаси Бош директор Уринбосари Ҳамид Ҳасимовга волидан муҳтарамаси **УРУНХОН** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Й. Охунбобоев номи Республика тиббиёт коллежи жамоаси коллеж директори, тиббиёт фанлари номзоди Миржамол Адиловага волидан муҳтарамаси **МИРЯЗМ АДИЛОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси жамоаси «O'zbekiston» телерадиокомпаниясининг овоз режиссёри **Тоҳир ИБРАГИМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир ўринбосари **Ш. ЖАББОРОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 857. 27344 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибхона 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғас ҳамда Баҳодир Файзиёв томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зияд материаллар қабул қилинмайди.

Т — Тижорат материал

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
700000, ТСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — Ю. Буранов.
Мусахҳах — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5